

## **БОЛА РИВОЖЛАНИШИДАГИ МУРАККАБ БУЗИЛИШЛАР**

**Л. Романова**

Мактабгача таълим муассасалари раҳбар  
ва мутахассисларини қайта тайёрлаш  
ва малакасини ошириш институти  
мустақил изланувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақолада мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишида ажодларимиз томонидан яратилган тарбиявий қадриятларнинг ўрни, бугунги кунда мактабгача таълимга алоҳида таълим босқичи сифатида қаратилаётган эътибор хусусида фикр юритилган. Шунингдек, болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида учрайдиган мураккаб бузилишлар, уларнинг олдини олиш бўйича айрим тавсиялар баён этилган.*

**Таянч сўзлар:** мактабгача ёшдаги болалар, шаклланиш, ривожланиш, мактабгача таълим, ажодлар мероси, мураккаб бузилишлар, жисмоний ва руҳий ривожланиш, нутқ, шахслараро мулоқот, заиф болалар, сезги органлари.

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье рассматривается роль образовательных ценностей, созданных нашими предками в развитии дошкольников, внимание, которое сегодня уделяется дошкольному образованию как отдельному этапу обучения. Также описаны сложные нарушения возникающие в физическом и умственном развитии детей, даны рекомендации по их профилактике.*

**Ключевые слова:** дошкольники, формирование, развитие, дошкольное образование, наследие предков, комплексные нарушения, физическое и умственное развитие, речь, межличностное общение, слабые дети, органы чувств.

### **ABSTRACT**

*The article discusses the role of educational values created by our ancestors in the development of preschool children, the attention paid today to preschool education as a separate stage of education. It also describes the complex disorders that occur in the physical and mental development of children, some recommendations for their prevention.*

**Keywords:** preschool children, formation, development, preschool education, ancestral heritage, complex disorders of educational values, physical and mental development, speech, interpersonal communication, weak children, sensory organs.

## **КИРИШ**

Республикамизда сўнгги 3-4 йил ичида мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш бўйича ҳукуматимиз томонидан 100 га яқин қарорлар, фармонлар ҳамда меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олиниб, нодавлат таълим муассасалари, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини кўпайтиришга хизмат қилади”<sup>1</sup>, деб алоҳида таъкидлаган эди.

Бола шахсининг ҳар томонлама ривожланишида нутқнинг аҳамияти беқиёс. Чунки нутқ – шахслараро алоқа курали, барча соҳаларда қудратли муомала воситасидир. Бизга маълумки, нутқ инсоннинг туғма қобилияти эмас. Нутқ болаларда аста-секин ривожланади, улар ўсиб тараққий этаверган сари нутқи ҳам ривожланиб бойиб бораверади.

Болаларнинг нутқи меъёрида бўлиши учун бош мия пўстидаги нутқ маркази тўлиқ ривожланган бўлиши, уларнинг сезги органлари – эшитиш, кўриш, таъм билиш, ҳид билиш, тери сезгиси ҳам етарли даражада ривожланган бўлиши керак. Айниқса нутқни ҳаракатга келтирувчи ва нутқни эшитувчи анализаторларнинг ривожланган бўлиши жуда муҳимдир.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Бола нутқининг ривожланиш жараёни ўз вақтида тўғри кечиши учун махсус шароитлар мавжуд бўлиши, бола психик ва соматик жиҳатдан соғ бўлиши, нормал ақлий қобилиятга эга бўлиши, нормал эшитиши ва кўриши, етарли даражада психик фаолликка эга бўлиши, гаплашишга эҳтиёж сезиши ва тўғри нутқ муҳити шароитида ўсиши лозим.

Бола нутқининг тўғри таркиб топиши атрофдагилар нутқи, нутқий тажриба, тўғри нутқ муҳити ва таълим-тарбияга боғлиқ бўлса-да, баъзи сабаблар туфайли бола нутқи тўғри ривожланмайди, бола илқ ёшидан нутқсиз бўлиб вояга етиб боради.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 19 октябрь куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқидан

Бугунги кунда илк ёшдаги нутқсиз болалар дизонтогенезининг хусусаиятлари очиб берилган, уларни логопедик кўриқдан ўтказиш методикаси, нутқини ривожлантириш бўйича коррекцион-логопедик иш тизими ишлаб чиқилган. Унга кўра ота-оналар фарзандларига тўғри тарбия беришлари, унинг жисмоний ва руҳий ривожланишига алоҳида эътибор қаратишлари кўрсатиб берилган, яъни туғилган болага дастлабки тарбия қуйидаги асосий мақсадларга қаратилиши керак:

боланинг ақлий ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш;

боланинг ижтимоий ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитлар барпо этиш;

болада шахснинг фаоллик, қизиқувчанлик, атрофдаги оламга ишонч, одамларга инсоний муносабатлар кўрсатишдек хусусиятларни тарбиялаш.

Олимларнинг фикрича, оилада фарзанд тарбиясига онанинг муносабати - эътибори, қўллаб-қувватлашлари, эркалашлари, яъни она меҳр-муҳаббати деб аталадиган барча нодир фазилатлар боланинг меъёрий руҳий ривожланишида муҳим ҳиссий омил бўлиб ҳисобланади.

Бола 2-2,5 ёшдан ошгандан кейин яхши гапирадиган бўладилар ва оиладаги катталар ва тенгдошлари ўзаро тез-тез мулоқотда бўладилар.

Бола нутқининг шаклланиши ва кейинчалик мулоқотга тўсқинлик қилувчи ривожланишдаги ҳар қандай бузилишлар ва камчиликлар, шунингдек талаффузни қийинлаштирадиган нутқий нафас олиш, артикуляцион ва овоз аппаратидаги бузилишлар аниқланган ҳолларда логопед томонидан ўз вақтида коррекцион-логопедик иш олиб борилиши ва ота-оналар билан суҳбатлар ўтказилиши талаб этилади. Шунингдек, бундай нуқсонларни аниқлаган логопед боланинг ўз вақтида бошқа мутахассислар (невропатолог, лор, сурдолог) кўригига боришини ҳам таъминлаши зарур.

Боланинг сенсор ва ҳаракатланиш соҳасига таъсир қиладиган марказий нерв тизимининг чуқур шикастланиши битта болада бир қатор бузилишларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Мураккаб бузилишларнинг бундай оғир ҳоллари кам учраса-да, улар шифокор ва логопедларнинг бундай ҳолларга ҳам тайёр бўлишларини талаб этади.

Илк ва мактабгача ёшдаги болаларда мураккаб бузилишларни аниқ ташхислаш ғоят қийин кечади. Бола ривожланишида мураккаб бузилишларга олиб келиши мумкин бўлган касалликларнинг сабаблари ва хусусиятларини билиш ушбу бузилишларни ташхислашда, хавфли гуруҳга мансуб болаларни

ажратиб олиш ҳамда уларнинг ривожланишини диққат билан кузатиб боришда катта ёрдам бериши мумкин.

Бундай ҳолларда болалар билан ягона ялпи текшириш ўтказиш зарур. Болаларни ягона ялпи текшириш дастури куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

ҳар бир болани биринчи марта мурожаат қилишдаёқ мажбурий тиббий ва психологик-педагогик текширувдан ўтказиш;

мураккаб бузилишга эга бўлган боланинг кўриши ва эшитишини муттасил такроран текшириб бориш;

ривожланишида бузилишга эга бўлган ҳар бир болани муттасил такроран психологик-педагогик текширувдан ўтказиш;

ривожланишда камчилиги бор ҳар бир боланинг оиласини генетик текширувга юбориш.

Мураккаб бузилишга эга бўлган болаларни ташхислаш ва аниқлаш муаммоси бу янги ва оғир муаммодир. Бу муаммони ҳал қилишга киришган мутахассисларга тиббиёт, генетика, махсус педагогиканинг турли соҳаларида, махсус ва клиник психологиянинг барча соҳаларида кенг билимлар керак бўлади. Мураккаб бузилишларга эга бўлган барча болаларга тегишли мактабгача махсус педагогика энди юзага келмоқда. Ҳозирча бундай болаларни тарбиялаш ва ўқитишнинг айрим индивидуал ҳоллари мавжуд.

## **ХУЛОСА**

Болаларнинг ривожланишдаги мураккаб бузилишлар турлича бирикмада намоён бўлади. Бугунги кунга қадар уларнинг 20 тадан ортиқ тури аниқланган. Булар сенсор, интеллектуал, ҳаракат, нутқий ва ҳиссий бузилишларнинг турли бирикмалари бўлиши мумкин. Масалан, кўриш ва эшитишнинг бузилиши, кўриш ва нутқ бузилиши, кўриш ва ақлий камчилик, кўриш ва ҳаракат бузилиши.

Бу ёшда болалар тез ривожланади ва шунинг учун, бир томондан, ўз вақтида кўрсатилган тиббий ва махсус педагогик ёрдам мавжуд бузилишларни компенсация ёки коррекция қилиши мумкин бўлса, иккинчи томондан, ушбу бузилишлар ривожланиши ва боланинг ҳолати ёмонлашиши мумкин. Шундай қилиб, мураккаб бузилишларга эга болаларни ҳар бир мавжуд камчиликнинг ифодаланганлик даражасига қараб гуруҳларга ажратилиши бундай болалардаги асосий муаммони аниқлаш ва шунга кўра уларнинг таълим ва тарбияси дастурини тузиш имконини беради. Бунда бузилган функциялар ҳолатининг

ўзгаришини муттасил кузатиб бориш ва ушбу функцияларнинг келгусида нафақат яхшиланиб бориши, балки ёмонлашиб бориши ёки бошқа бузилишларнинг белгилари намоён бўлиши мумкинлигига ҳам тайёр туриш лозим.

### **REFERENCES**

1. Физиология развития ребенка./ под ред. В.И.Козлова./,М.Педагогика. 1999. 23
2. Аюпова М Логопедия. – Т., 2008.
3. Каримова В. М., Суннатова Р. Мустақил фикрлаш. –Т.: Шарқ, 2000. – 16-б.
4. [www.dates.gnpbu.ru/3-8/Kregomar/kregomar.html](http://www.dates.gnpbu.ru/3-8/Kregomar/kregomar.html)